

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУХТАРАМ ОНАХОНЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

09

(324)

YURIDIK GAZETA

Mart

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	✓ 10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



Нигоҳлари баҳор, чехраси баҳор...

TADBIR

УНИВЕРСИТЕТДА УЧРАШУВ

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидованинг Термиз Давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашуви бўлиб ўтди. Анжуманда С.Рашидова сўзга чиқиб юртимиздаги Омбудсман институтининг ўзига хос хусусияти, вазибалари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳақида гапириб, иштиракчиларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб берди.

Олий Мажлис вакили билан вилоятнинг бошқа жойларида ҳам худди шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

TASHABBUS

Ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб камол топиши мамлакатимизнинг эртанги тараққиётига, келажакимизнинг буюк ва нузли бўлишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикамизда ёшлар ҳаёти, таълим тарбиясига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Уғил-қизларнинг илм ва ҳунар чўққиларини забт этишлари учун яратиб берилётган имкониятлар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари сони йил сайин ортиб бораётгани, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Умид», «Улуғбек», «Устоз» каби кўплаб жамғармалар фаолият олиб бораётгани фикримиз далилидир.

Айтиши мумкинки, прокуратура органлари ҳам вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ана шу эътибордан келиб чиққан ҳолда иш юритмоқдалар. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ-манфаатлари муҳофазасига қаратилган қонуний ижросини таъминлаш, айниқса, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 21 сентябрда қабул қилинган

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ



«Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарор доимий эътиборда.

Биз бу борада ўсмирлар, талаба-ёшлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билангина чекланиб қолмай, уларнинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб улғайишига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жумладан, ҳозирга қадар прокуратура ташаббуси билан «Чортоқ» ринг клуби аъзоси

бўлган ўқувчилар ўртасида бир неча бор бож бўйича мусобақалар ўтказилди. Туман ҳокимлигининг спорт кўмитаси, туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда хомий ташкилотлар кўмагида ташкил этилган турнирлар болалар ўртасида спортга бўлган қизиқишни орттиришга ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Ана шундай эзгу ташаббусни 2004 йилда ҳам давом эттирмоқдамиз. Яқинда туман халқ таълими

бўлимига қарашли 53-ихтисослаштирилган махсус мактабда амалдаги йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилингани муносабати билан яқка тартибда ўқитилган ўқувчилар ўртасида спортнинг шашка тури бўйича мусобақа ўтказилди. «Умид юлдузлари» деб номланган ушбу мусобақада 32 нафар ногирон ўқувчи куч синашиб, голиблар муносиб тақдирланди.

Ана шундай беллашувлардан яна бирида Чортоқ туманидаги

касб-ҳунар коллежларининг талаба ёшлари ўз вазн тоифалари бўйича куч синашдилар. Қизгин ва муросасиз курашлар билан ўтган мусобақада умумжамоа ҳисобида голиблик Чортоқ педагогика коллежи талабаларига насиб этди. Тумандаги 24-спорт мактаби ўқувчилари 2- Чортоқ касб-ҳунар коллежи вакиллари 3-ўринни қўлга киритдилар. Шунингдек, турли вазн тоифаси бўйича ҳам голиблар аниқланиб танлов ташкилотлари туман прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими томонидан тақдирланди.

Прокуратуранинг турнирларни ташкил этишда ташаббус кўрсатишининг боиси шундаки, бу каби мусобақалар болаларнинг нафақат жисмонан соғлом, балки ақлан етуқ, теран фикрловчи инсонлар бўлиб улғайишига хизмат қилади. Чўнқ спорт баркамоллик, етуқлик кафолатидир. Бу билан ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтади, энг муҳими эса спорт ошно қалблар аёнликдан йирқ бўлади.

Умидбек АБДУГАФФОРОВ,
Чортоқ туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

АЁЛЛАРИ ҚАДРЛАНИШАН ЮРТИ,



Ифратини сақлашга зринчман аёллар ҳаёти муқаббат ва иккинчи сазовор бўла олмайдилар. Ифратда йиға ўзим бор: заъ, саб, тийимини, поклик, қаноат, шомаслик, оиш, юзланлик, исхос, шайни, сазоват.
Ойнам Ах-БАЙЮСИ

этиш вазифаси менга юкланганлиги боис хизмат фаолиятим вилот, шаҳар, туман судлари билан чамбарчас боғлиқ эди.

1987 йилда вилот суди судьялигига ишга таклиф этишди. Мен иккиларимдан. «Қизиқ экансиз, бу вазифага ўтолмай юрганлар қанча. Сиз эса ўйлаб юрибсиз» дея ҳайрон бўлишти айримлар. Тақдирни қарангки, охири суд тизимига ишга ўтдим.

2000 йил декабрь ойидан буён фуқаролик ишлари бўйича вилот суди раисининг ўринбосари лаво-

Хотин-қизлар байрами арафасида Сурхондарё вилот ҳуқуқ-тартиб идораларида самарали фаолият кўрсатаётган аёллардан бири билан мулоқотда бўлдик. Сўхбатдошимиз фуқаролик ишлари бўйича вилот суди раисининг ўринбосари Назоқат КУРБОНОВА.



мумкин.

— Суд тизимидаги ислохотлардан қониқиб ҳосил қиласизми? Бу борада қандай тақлиф-мулоҳазаларингиз бор?

— Суд тизимини ислох қилишга шахсан Президентимиз доимий эътибор қаратиб келмоқда. Юртбошимиз бу ҳақда хусусан Олий Мажлиснинг 11-қақриқ 1 сессиясида сўзлаган нутқида «Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунганини таъминлаш мақсадида суд тизimini ислох этиш керак.

Суд ислохотини ўтказиш жараёнида жиной ва фуқаролик ишларини қурувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бу масалаларни ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш зарур.

Бу албатта одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини, энг муҳими қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди», — деган эди.

Шундан сўнг 2001 йил 1 январдан бошлаб фуқаролик ишлари бўйича вилот, туманлараро судлари ташкил этилди.

Фикримча, судлар чинакам мустакил бўлиши учун иқтисодий жиҳатдан ҳам мустакил бўлмоғи лозим. Бунинг учун етарлича моддий техникавий таъминотга, яъни оргтехника, бино, автомашина, алоҳида ҳисоб рақами, пул маблағларига эга бўлиши зарур. Аммо ҳозирги кунда судлар бу борада Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судларни моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментига қарам.

— Шу касбини талаганингиздан афсусланган кезларингиз ҳам бўлганми?

— Шу йўлни танлаганимдан мамнунман. Чунки инсонга севган касб эгаси бўлишининг ўзи катта бахт. Қолаверса, озми-кўпми одамларга ёрдамим тегиб, қимдандир «рахмат» деган сўзни эшитишни энг олий муқофот деб ҳисоблайман.

Баъзан дам олиш кунларисиз ишлаб, иш қилиш учун бошқа вилотларга бориб қийналган чолларимда ҳам ҳеч қачон ҳуқуқшунослик касбини танлаганимдан афсусланмаганман. Чунки касбим менинг ҳаётимдир.

«НИҚУҚ» муҳбири Курбон ЖУРАНАЗАРОВ сўхбатлашди

Биз борсизки — олам мунабвар

Баҳор орзу-умидлар, яшаш ва яшаришга ундовчи байрамлар, шодлик кунларининг бошланғичидир. Шундай шодмёна кунларни эса Халқаро хотин-қизлар байрами бошлаб беради. Зеро, ҳаётда ҳам шундай: ҳеч бир бахтиёр кунни мўътабар ва меҳрибон хотин-қизларимизсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Рўзгор юмушларидан ортиб, яна эраклар билан баробар меҳнат қилиш ҳар қайси касб соҳибаси учун ҳам осон кечмайди. Мен бунга 1978 йилда ўқишни тугатиб, Самарқанд шаҳар прокуратурасига ишга келган илк кунларимдаёқ амин бўлганман. Раҳматли онам ҳаётлигиде у кишининг кўмағига таянардим. Толиққан, иккиланиб қолган вақтимда эса раҳбарларимизнинг далда сўзлари мадад беради.

«Фуқароларнинг муножаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрири билан танишиб чиққан инсон бирор фуқаро ҳимоясиз қолмаганлигига амин бўлади. Лекин уни ўрганиш, ҳаётга татбиқ қилишга келганда пайдо бўлаётган баъзи узиллишлар жойларда фуқаролар манфаатларининг бузилиш ҳолларига ҳам олиб келмоқда.

Шуларни назарда тутган ҳолда кўп сонли хотин-қизлар меҳнат қиладиган «Хужум», «8-март», «Динамо» сингари тикув фабрикаларида, шунингдек, бошқа меҳнат жамоаларида тез-тез бўлиб, уларга яратилган шарт-шароитлар ва қулайликларни кузатиб борамиз. Аризалар келиб тушишни кутмасдан, фуқаролар манфаатларининг бузилиш ҳолатларини олдини олиш чораларини кўрмоқдамиз.

«Аёлга бўздан сўз яхши» деган жуда ўринли ибора бор. Шу сабабли берилган имкониятдан фойдаланиб барча хотин-қизларимизни, айниқса, энггина форма кийиб, халқимиз оқсоқшалиғи, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келаётган касбдошларимни байрам билан табриқлайман. Гўзаллик, бахту саодат, эл-юрт эътибори мудом уларга ёр бўлсин, дейман.

Мавлуда ЭРГАШЕВА, Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси



«КАСБИМ МЕННИНГ ҲАЁТИМДИР»

дан 1966 йилга қадар прокуратура идораларида хизмат қилган. Бойсун ва Термиз туманларида прокурор лавозимда ишлаган. Ишдаги муваффақиятлари учун бир неча бор рағбатлантирилган.

— **Ҳуқуқшунослик касбини танлаганингизга ота-иниңизнинг ҳаёт йўли туртки бўлганми...**

— Албатта, болалигимдан ҳаётимда ҳаваас қилардим. Уйимиздаги кутубхонада барча кодекслар, кўплаб ҳуқуқий китоблар бўларди. Ҳуқуқчилик давримдаёқ «Жиноят ҳуқуқи», «Фуқаролик ҳуқуқи» ва «Настольная книга следователя» деб номланган китобларни бир неча маротаба ўқиб чиққанман.

Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига ўқишга бормоқчи бўлганимда онам «Узоққа ўқишга юртимизда» деб қаршилик кўрсатди. Дадам «Қизиқини бор, кўй, ўқисин» деб оқ фотиҳа берган.

— **Меҳнат фаолиятингиз асосан суд органлари билан боғлиқ. Сизга шу тизимда ишлаш маъқул чоғи.**

— Йўқ, ундай эмас. Аксинча прокуратурада ишлашни орзу қилардим. Шу мақсад йўлида ҳар қандай қийинчиликка бардош беришга тайёр эдим.

Талабалик йилларимда амалий машғулотларни прокуратура идораларида ўтказдим. Меҳнат фаолиятимни ҳам Термиз транспорт прокурорининг ёрдамчиси вазифасидан бошлаганман. Яна бир қувончли томони шунда эдики, бу ерда дадам билан бирга ишлаган Абдусаттор Қосимов (у кишини Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) прокурор экан. Дадамнинг сафдоши билан ёнма-ён хизмат қилиш мен учун катта бахт эди. Шунинг учун чарқоч нималигини билмасдим.

Хизмат тақсими бўйича судларда давлат айбловини қувватлаш, прокурор кўзга татган даъволар юзасидан фуқаролик ишларининг судда қўрилишида иштирок

зимида фаолият кўрсатиб келаётган. Тегишли қонун талабига кўра меннинг зиммамга судлов ҳаёти ишини ташкил этиш, маскур ҳаёт-ат мажлисларига раислик қилиш, фуқароларнинг муножаатлари билан ишлаш каби вазифалар юкланган.

— **Ҳаётат мажлисларида кўпроқ қандай тоифадаги фуқаролик ишлари кўрилади?**

— Суд статистик маълумотлари таҳлил этилганда шуни кўриш мумкинки, 2003 йилда апелляция инстанциясида жами 226 та фуқаролик иши қўрилган. Бу олдинги йилга нисбатан 64 та кўп демакдир. Кассация инстанциясида 282 та иш қўрилган. Булар тоифаларга бўлинганда асосан мулк ҳуқуқи, ишга тиклаш ва турар жойдан кўчириш билан боғлиқ низолардир.

— **Айрим фуқаролик ишлари турли боғлиқ судлари томонидан ҳатто беш-ўн мартабалаб қўрилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Шундай ноҳуш ҳолатларга ўз муносабатингизни билдирсангиз.**

— Ҳақиқатан ҳам суд амалиётида баъзи ишларнинг узоқ муддат ўз ечимини топмаслик ҳолатлари мавжуд. Албатта, мен бунинг тизимдаги салбий ҳолат деб баҳолайман. Ва имкон даражасида бундай ҳолатларни бартараф этиш чоралари кўриш зарур деб ҳисоблайман.

Менинг фикримча, бундай ачинарли ҳолатларнинг асосий сабаби судьялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал кодексининг 15-моддаси талабларининг тўлиқ бажарилмаслигидир. Ушбу моддада қайд этилганидек, «суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли. Суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмагликнинг оқибатлари тўғрисида оғохлантириши ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини рўйбга чиқаришларида ёрдам кўрсатиши лозим».

Бундан кўриниб турибдики, судья ўз вазифасини қонун талаби даражасида бажармаса, у суд хатосига йўл қўяди. Бундай локайдлик эса фуқароларнинг сарсонсаргардонлигига сабаб бўлиши

Кейинги йигирма йил мобайнида дунё мамлакатларида аёл ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўрганила бошланди. Айни шу даврдан бошлаб аёл ҳуқуқларининг бузилишига инсон ҳуқуқларининг бузилиши деб қаралмоқда. Собиқ Иттифок даврига қадар Ўрта Осиёдаги мусулмон аёлларининг ижтимоий аҳволи шарқона ахлоқ нормаларига асосланган эди. Мустабид тузум минтақада аҳолининг бир ёқлама, яъни қоралаш нукта назаридан Шарқ аёлининг ўзига хос боқира ҳис-туйғуларини оёқ-ости қилишга, асрлар давомида шаклланиб келган диний, миллий қадриятларни ўзгартиришга қарши эди. Ваҳоланки, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, унинг манфаатлари ва интилишлари, оила чироғи эканлиги Шарқ адабиётининг гўзал намуналариде ва турли қонунларида ақс этиб келган. Шарқ қонунларида эса ислом дини асос қилиб олинган.

ОУНА

Мустикаллика эришилгандан кейин Ўзбекистонда аёл ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш, ижтимоий-сиёсий жиҳатларга кенг жалб қилиш, аёлининг соғлом авлод асосчиси эканлигига урғу бериш, унинг ижтимоий, сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва роли дахлсизлигини муқамаллаштириш борасида анча ишлар қилинди. Мамлакат ҳаётидаги аёлларнинг ўрни ҳамisha ҳуқуқматимизнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда.

XX асрнинг бошларида сиёсий фаоллик кўрсатган ўзбек маърифатпарварлари 30-йилларга келиб қатағонга учрадидлар. Улар илгари сурган ислохотлар ниҳоясига етказилмаган, натижада аёл ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаган ижтимоий куч мутаассиб диндорлар қувғинига учраганди. Дин аёлларни қамситиш руҳида нотўғри талқин этилди. Дунёвий хулқ-атвор «мусулмонларга хос эмас» деб қаралла бошланди. Аёл шаъни ва қадр-қиммати ҳурматланган жамиятда янгиликлар билан бойитишди,

КАДРИ БАЛАНД, НАСИБАСИ БУШ!



Умрини адолатни қарор топтиришга бахш этган бу аёлни Сирдарёда жуда кўпчилик яхши билади. Бир неча йил аввал айнан Раиса Таматаеванинг ташаббуси билан тарбияси оғир болаларнинг ҳибсхонадаги махбуслар билан учрашувлари ташкил этилган, бу эса вилоятда болалар ва ўсмирлар жиноятчилигининг камайишига олиб келганди. Шу сабабданми, бизнинг суҳбатимиз ҳам ўз-ўзидан болалар мавзусидан бошланди.

«БОЛАЛАРНИ СЕВАМАН»

— Болаларни севаман, икки нафар фарзандим, уч нафар набирам бор. Ишдан кейин набираларим билан вақтимни ўтказиш одатимга айланган қолган. Баъзан уларга қараб ўзимнинг болагим ёдга тушади.

Мен туғилганимда урушнинг захри ҳали босилмаган, қўйинчилик йиллари эди. Шунинг фахр билан айтишим мумкинки, мен булутумимни фуқароларнинг яхши-ёмон қўнларига, ташвишларига бахшида этдим. Онам Василя Таматаева прокуратура ходими бўлганлиги боис ушбу соҳа билан танишиш менга жуда эрта насиб қилди. Кўпинча онам мени ишонсоғига етаклаб келар, бу ернинг эркатойига айланган қолган эдим. Бироз улғайиб, романтлик китоблар ўқийдиган ёшга етганимда «Тергов амалиёти», криминалистикага оид адабиётларга муқкасидан кетгандим.

1970 йили ТошДўнинг юридик факультетига ўқишга кирдим. Бир неча йил Республика прокуратурасида коти-балек қилдим. 1976 йили Гўлустон шаҳар прокуратурасида иш ўрганивчи сифатида ўз фаолиятимни бошладим. Узоқ йиллар давомида бўлим прокурори, катта терговчи, шаҳар прокурорининг ўринбосари, вилоят прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида ишлаб келдим.

— Раиса опа, ҳозирги вақтда судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлимида прокурор лавозимида ишлаб келмоқдасиз. Айтинг-чи, фуқаролик ишларининг асосий мазмунини нималардан иборат?

— Албатта, бу ҳақда алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Зеро, ҳуқуқий ислохотларнинг асосий «юки» фуқаролик муносабатларига тушиши кўпчиликка маълум.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, маданияти кўтарилиш палласига кирди. Бу нималарда кўзга ташланади. Биринчидан, эндиликда фуқаролар ўз эркинликлари, ҳуқуқларини тўлақонли англаган ҳолда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига фаолроқ кириша бошладилар. Оилаларда барча аъзоларнинг эркинликлари таъмоили батамом юзага чиқмоқда, деб ҳисоблашга ҳам етарли асос бор. Бунда касб танлаш, олди-соти, мулк муносабатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

— Тилга олишга арзийдиган бироз танқидий жиҳатлар ҳам бор деб ҳисоблайсизми?

— Афсуски, беш қўл баравар эмас. Оилаларнинг ажрашиб кетаётганлиги, фарзандларнинг сарсонгарчиликда қўр бўлаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Оила — муқаддас даргоҳ. Баъзан айрим эркаклардан хафа ҳам бўлиб кетаман. Бунга ўз оиласининг шаънини, фарзандларининг келажагини ўйламайдиган эркакларга таассуф билдиришим сабаб бўлса ажаб эмас. Илоҳим, барча оилаларни тивчлик-омонлик, болалари қалбини қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.

А. МУСТАФОҚУЛОВ,
«НИҲУҚ» муҳбири

Аёл улуи гўзал бўлишнинг фақат биттагина, мафтунакор бўлишнинг эса тоз мизига тикланишни мавжуд.
Шаръи МОҲИЯТСҒОБЕ



«ҚАҲРЛИ»

Қўзи қаҳрлиму дейин,
Қизинки Заҳриёну дейин.
Алишер Навоий

Тошигда титраган
тошиг қаҳрли,
Ичингда ниҳону фошиг қаҳрли.

Ниҳолим, не учун
томчи кўзингда
Мани гарқ айлаган ёшиг қаҳрли.

Жонимни куйдирар
чолинг меҳрсиз,
Ичимни ёндирар ошинг қаҳрли.

Қовоғинг қорига
қоним қушилди,
Қиличин қайраган қишинг қаҳрли.

Қалб қуши қалтирар,
қўрқиб қошинда,
Қояда қирғийдай қошинг қаҳрли.

Ҳай, Маҳдий бағрига
қуш ҳайдадилар,
Баҳорда келгай дурпошиг қаҳрли.

Довуд МАҲДИЙ

АЁЛГА ТАБАССУМ ЯРАШАДИ

Кўпинча мена «Аёл кишисиз, прокуратура иши сизга оғирлик қилмайди, нега айнан ҳуқуқшунослик касбини танлагансиз», деб сўраб қолишди. Аслида ҳар бир касбнинг ҳам ўзига яраша заҳмати, меҳнати ва шарафи бўлади. Мен гарчи санъаткор оиласида туғилиб ўсган бўлсам-да болагимдан ҳуқуқшуносликка қизиққандим. Бу шунчаки болаликдаги ҳавас бўлиб қолмади. Шукрки, орзумга қайсидир маънода эришдим. Ҳуқуқшуносликни танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмаганман. Очиги, прокурорлик — машаққатли, мураккаб ва ўта масъулиятли вазифа. Аммо ана шу вазифадан келиб чиқиб кимгадир ёрдам беролсанг, кимнингдир ҳуқуқини тиклашга қўмак беролсанг бу машаққатлар унутилиб кетади. Адолатнинг тикланишига ҳисса қўшолсанг, бундан юксак бахт бўлмаса керак.

Барча ҳамкасбларимга омад ва бахт тилайман. Аёлга табассум ярашади. Ана шу гўзал табассум гул юзингиздан аримасин, азиз дугонаҳонлар.

Барно ЛУТФУЛЛАЕВА,
Тошкент вилояти
прокуратурасининг бўлим
прокурори



Лола ШОМУРОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси

Омад сизга, муқаддас аёл!

Маълумки, жамиятнинг ривожланиш таъмоили аёл бахти билан ҳам ўлчанади. Аёл бахтли экан, жамият фаровон бўлади. Яхши биланмики, аёлнинг жамиятдаги кадр-қиммати, тутган ўрнига қараб ҳам бу жамиятда инсоннинг қай даражада улугланишини англаш мумкин.

Ўртимизда аёлларга бўлган эътиборнинг ортиб

бораётгани уларнинг ҳаётимизнинг барча жаҳ-ҳаларидаги фаол иштирокидан ҳам аён бўлади. Бу албатта қувонарлик.

Ватан истиқболи йўлида эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилиб, юртимиз таррақийтига ўз хиссасини қўшиб келаётган АЁЛлар қанча! Уларга фақатгина тасанно айтиш мумкин. Бу хулоса энг машаққат-

ли ва шарафли касблар сирасига кирувчи прокуратура тизимида меҳнат қилаётган аёлларга ҳам тегишли. Мухтарам онаҳонлар, опа-сингиллар, ҳамкасблар! Сизларни Аёллар байрами — 8 март билан мураббабод этар эканман, Сизни латофат, меҳр-муҳаббат, садоқат ва матонат ҳеч қачон тарк этмасин дейман.

Аёлларнинг
энг яхши
шундаки, зам
бола ўстиради,
зам меҳр
қўрсатади.

«Оталар
сўзи»

ЧИРОҚИ

маданиятнинг янада сайқалланишида айнан аёлларга муносабат алоҳида рол ўйнаши шубҳасиздир. Исломиий манбаларда жамият таррақийти аёл билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, уларга ҳеч қандай камситишларсиз тенглик нуқтаи назаридан эътибор кўрсатиш зарурлиги таъкидланади. Масалан, «Эркакми ё аёлми — кимда-ким мумкин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, биз унга покиза ҳаёт ато этуримиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоб билан мукофотлаймиз» каби.

Шарқона ахлоқ замирида шахснинг дунёқарashi, рухий-маънавий фазилатлари шакллантирилади. Бу ахлоқ бир неча таркибий қисмлардан, жумладан, эр-хотиннинг бир-бирига илиқ муносабати, тенглиги, бир-бирини яхши тушунишдан таркиб топган. Эркакларнинг аёллар устидан ҳукмронлиги эса хотин-қизларнинг кадр-қиммати пайсатирилмаган ҳолда, контекстда маълум тарихий даврга асосланиб ифодаланади. Аммо, шарқона эзгу

ғояларни, ниятларни тушунмай, неча асрлар давомида инсоният маънавияти ривожининг ажралмас қисми бўлган аҳкомлар нотўғри талқин этилди. Ҳаётда учрайдиган ноҳуш ҳодисалар индизлари «эркак ҳамшиша устун», «нозик жинс» устидан ҳукмронлик қилиш лозим» деган эркакнинг аёлга нисбатан ҳукмронлик муносабатини пайдо қилди.

Шарқда эркаклар хотинларига раҳбар эканликларини рад этмаймиз. Қуръони Каримда: «Эркаклар хотинлари устидан раҳбардурлар. Бунга сабаб Оллоҳ уларнинг бировларини бировларидан ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир» деган оят бор. Яъни, шариат ҳукмига, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар бўлган, уни четдан бўладиган ҳар қандай жужурлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шу меҳнат эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланган босиқлик, оила тебратишдаги тадбиркорлик

каби сифатлар сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Эркаклар, айрим ҳолларда ёш эркаклар қўпол муносабатларини аёлларга нисбатан эрравонлик деб ҳисобламайдилар. Улар ҳаётни, Конституцияни, исломий фикрчи билмайдилар.

Халқро конференция тадқиқотчилари томонидан ўтказилган сўровлар натижаси, эркаклар ҳам аёллар ҳам аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонун чиқарувчи мутасаддилар номларини жуда чекланган даражада билишларини намоён қилди. Ҳатто аёл ҳуқуқлари мавзусида кенг мушоҳада юрита олганлар ҳам Инсон ҳуқуқлари декларацияси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ташқари ҳуқуқий меъёрларини белгилувчи ҳужжатларини (шунингдек, ҳадислар, исломий фикрчи) эсга олмадилар. Демак «эркак устун» эканлигини намоийш қилувчи эркаклар ҳам, уларга итот этувчилар ҳам дунёвий ҳуқуқшуносликда ва исломий фикрда уларнинг эрравонларча ҳаракатлари нотўғри деб талқин этилишини тасаввур ҳам қилмайдилар.

Шарқона ахлоқ меъёрлари сифатига кирувчи донишмандларнинг асарларида (масалан,

Кайковус, Ҳусайн Воиз Кошиний) хотин-қизларнинг оиладаги мавқелари пайсатирилмай, ўқишлари, фаолият юритишлари, ўз хоҳиш-истакларига қўра турмушга чиқиш ҳуқуқлари чекланмаслиги эътироф этилади. «Аёл қарам»лигига ўхшаш ҳукмлар албатта асосланган. Бу асослар аёлни унга мос келмаган (жисмоний, маънавий) ҳодисалардан ҳимоялаган. Аёлларнинг асосан ичкарида меҳнат қилишлари ҳам тарихий даврга мос бўлган.

Ишлаб чиқариш техникалашмаган даврда, турмуш тарзини белгилувчи тўқувчилик, кулолчилик, заргарлик каби хунармандчилик ишлари қўпол технология асосида оғир жисмоний меҳнат эвазига бажарилган. Дала ишлари ҳам кучли жисмоний меҳнат талаб қилган. Тижорат билан шугулланганидан хондон соҳибининг асосий умри йўлларда, катта савдо шахарларидан ўтиб, оиладан маълум муддат узоқлашишга олиб келган. Шунга асосланиб аёллар жисмоний кучларига мос меҳнатлар (дўппидўзлик, каштачилик, чеварлик каби) билан қиёфаланган. Хордиқ чиқаришда (шеърхонлик базмлар), чиниқ мақсади билан турли ўйинлар ўйнашда (чавгон, камон

отиш), овга чиқишда ҳам аёллар чекланмасдан, уларга қулайликлар яратилган (масалан, алоҳида кун ва жой ажратилган).

Шарқона ахлоқ меъёрлари — аёллар ва эркакларнинг ички ҳамда ташқи иш фаолиятларига доир қўнунлар мажмуидир. Унда аёл, уй, оила, давлат, жамиятга алоқадор бўлган муҳим саволларга жавоб берилади. Ҳар бир мантиқий жумлада ихтиёрсиз равишда Гендер масаласи таъкидланади. Шуларни эътиборга олиб, маънавий қадриятларни, хусусан шарқона ахлоқ меъёрларини қайта тиклашга қаратилган чора-тадбирларнинг асосий мақсадини билиш, замонавий ривожланишига мос келадиган тарзда эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги борасидаги қарашларни Конституциямиз ва қўнунларимизнинг талабларини асосида ривожлантиришимиз лозим.

Шаҳрибону ҲАМРОЕВА,
СамДУ ҳуқуқшунослик
факультети
ўқитувчиси

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР ҲИМОЯСИ



Республика Бош прокуратурасининг Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси 2003 йил мобайнида республика судларида кўрилган жиноят ишлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўрганиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилиш, бу соҳада прокурорлик фаолиятини янада такомиллаштириш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд-тергов амалиётини ўрганиш юзасидан Республика Бош прокуратурасининг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси томонидан текшириш ўтказилди.

М аълум бўлишича, ҳққимликлар, ҳуқққни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида жиноятчиликнинг қўққорида айтилган турига қарши қуралда бир қатор иққобий ишлар амалга оширилган. Гиёҳвандлик жиноятларини, айниқса, уни ёшлар орасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида ҳуқққни муҳофаза қилувчи идоралар жамоат ташкилотлари билан ҳамқор-

сонини 1999 йилдан буён 80 фоизга ошиб кетган. Рўйхатга олинганларнинг 72 фоизи героин моддасини мунтазам истеъмол қилишлари аниқланган. Ички ишлар вазирлиги идораларининг профилактика ҳисобида турган 26047 нафар шахснинг 6395 нафари пойтахтимизда истиқомат қилади. Уларнинг 19,3 фоизи 18-20 ёшдаги ўсириллардир.

Гиёҳвандлар сони ва улар томонидан содир қилинаётган жиноятларнинг ошиб бориши ҳуқққ-тартибот

БОШ МАҚСАД — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Ж умладан, ўтган йилнинг 1-ярмида прокурорларнинг судлардаги иштироки сифатини яхшилаш, давлат айбловини юққри савияда қуватлаш, суднинг қонуний қарорларига протестлар киритиш аҳволи Қашқадарё, Навоий ва Сирдарё вилоятларида, йилнинг 2-ярмида эса гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишнинг ёборат жиноят ишлари бўйича суд-тергов амалиёти Навоий, Андиқон, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида текширилган ҳолда умумлаштирилиб, натижаси бўйича вилоятлар прокуратураларига йўналтирувчи хатлар юборилди.

Бошқарманинг 2003 йил 1- ва 2-ярмига мўлжалланган иш режаларига мувофиқ 2002 йилда ҳамда 2003 йилнинг 1-ярмида бошқармага келиб тушган ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқиши ва ҳал қилиниши аҳоли умумлаштирилиб, Бош прокурор ўринбосари ҳузурда муҳокама қилинди.

Бошқарманинг тадбирлар режасига асосан 2002 йил якуни ҳамда 2003 йилнинг 1-ярми якуни бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида бюллетенлар ишлаб чиқирилиб, хизматда фойдаланиш учун вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга юборилди.

Жорий йилда бошқармага келиб тушган жами 1828 та ариза ва шикоятлардан 873 таси қўйилган прокуратураларга, 267 таси жиноят ишлари бўйича судларга, 31 таси тегишлилиги бўйича Марказий маҳкаманинг бошқа бошқарма ва бўлиқларига ўтказилган бўлса, қолган қисми бевосита бошқарма прокурорлари томонидан ҳал қилинган.

Ушбу ариза ва шикоятлардан 106 таси алоҳида назоратга олинган. 2003 йил мобайнида бошқарма ходимлари томонидан келиб тушган ариза, тақдирнома ҳамда ўзларининг ташаббуслари билан жами 1254 та жиноят ишлари назорат тартибида ўрганиб чиқилиб, уларнинг 306 таси бўйича Олий суд ҳамда вилоятлар судларининг кассация ва назорат босқичларига протестлар келтирилди.

Бундан қўринадик, судларнинг қонуний қарорлари устидан протест келтириш ўтган йилнинг шудаврига нисбатан 121 тага кўтайган.

Ўзбекистон Президенти девонини ташаббуси билан тузилган махсус комиссия томонидан диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни содир этганилиги учун судланган маҳкумларнинг жиноят ишларини кўриб чиқиш бўйича Бош прокуратурага юборилган қисмдан озоод қилиш ҳақида иққобий ҳулосалар берилди. 212 нафар маҳкумнинг жазоларини 10 йилдан кам бўлган муддатга қисқартириш ҳақида 141 та протест келтирилиб, уларнинг барчаси қаноатлантирилган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айрим вилоятлар прокуратуралари томонидан фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳал этишда юзакчиликка йўл қўйилган, аризада кўрсатилган вақтлар ҳар томонлама текширилмаган. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг Республика Бош прокуратурасига мурожаат этишларига сабаб бўлган.

Бош прокуратура протестлари асосида уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари тикланмоқда.

2003 йил мобайнида бошқарма ходимлари томонидан келиб тушган ариза, тақдирнома ҳамда ўзларининг ташаббуслари билан жами 1254 та жиноят ишлари назорат тартибида ўрганиб чиқилиб, уларнинг 306 таси бўйича Олий суд ҳамда вилоятлар судларининг кассация ва назорат босқичларига протестлар келтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг амалга киритилиши суд жараёнида қонунийлик, инсонпарварлик каби принципларни янада мустақкамлашда, қонун устуворлигини таъминлашда ўз самарасини олиб, суд бошқичларида прокурорларнинг протестлари асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиниши таъминланмоқда.

Шунингдек, эҳтиёт чорасини танлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти, иқтисодий ҳавфлилик даражаси ва унинг жиноий оқибатларидан келиб чиққан ҳолда адолатли ёндашиш, етказилган зарар қопланган ҳолларда (содир этган жиноятга қараб) уларга нисбатан озоодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш амалиётини кенг қўллаш керак.

ЕЧИЛИШ ШАРТ

лиқда «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзусида бир қатор тадбирлар ўтказилган. Бунинг натижасида воёга етмаганлар томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши бир мунча камайган. Бирок, шунга қарамай, бу борадаги профилактик ишлар бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермаяпти.

идоралари ўртасида етарли даражада ҳамқорлик йўлга қўйилмаганилиги, тиббиёт муассасалари ва ҳуқққни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан олиб бориладиган тарбия-ташвиқ ишларининг ўта сустлиги ва самарасизлигини далolat беради. Айниқса, жойларда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари томонидан ушбу турқумдаги жиноятларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабига жавоб беради деб бўлмайди.

Тошкент шаҳрида ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, гиёҳвандлик даражида мубтало бўлганлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Шаҳар нарқологик диспансерининг маълумотларига қўра, гиёҳвандликка мубтало бўлганлар

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, гиёҳвандлик воситалари республикамиз ҳудудида турли буюмлар, май-



Суратда: Қашқадарё вилояти прокурорининг ўринбосари М.Каримов судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурорлари билан сўхбатлашмоқда.

У ша кун ҳам одатдаги кунлардан унчалик фарқ қилмасди. Тонг отишига ҳали бироз вақт бўлса-да, ҳовлилардаги хўрозлар ким ўзарга беллашаётгандек аллақачон қичқирини бошлаб юборганди. Шаҳар ИИБ бошлиғи ўқтам Ризаев «Фиат» автомашинасида рулни бошқариб бораётган нозир Ботир Турдиев билан ўққ-бўққдан гаплашиб кетарди. Дукент кўрғонига яқинлашган, йўл ёқасида турган «Нексия» автомашинаси ҳар иққаласининг ҳам диққатини тортиди. Машинани тўқтатишиб, иққаласи ҳам тушиди. «Нексия»нинг ойналари қорайтирилган, ичида одам бор-йўқлигини билиб бўлмасди. Машинани бир айланиб чиққан ў.Ризаев унинг ҳайдовчиси томонидан икки эшиги қаргадир урилганини пайқайди. Машина қарга урилган? Балки одам уриб юборгандир? Балки ҳайдовчиси машина ичига ухлаб ётгандир? Шу тахминлар асосида улар ойнани тақиллатиб, «ким бор машинада, бироз борми?» дейишди. Бироз ўтиб «Нексия» эшиги очилиб, бир йилги тўшиб келди.

ИШИ ТУШАДИ - ТИШИ ТУШАДИ

Ҳаёт шундай яратилган: инсоннинг инсонга доим иши тушиб туради. Талабанинг домлага иши тушади, касалнинг дўхтирга, ҳайдовчининг ИХХХ ходимига ва ҳоказо. Бу ҳолатни шубҳасиз ҳаммаимиз бошимиздан ўтказганмиз. Биринчи ишимиз битган, биринчи қўлни қўлтиққа уриб, ор-

қага қайтганмиз. Ишимиз битса хўп-хўп. Агар ишингиз тушиб борган киши сиздан нимадир умидвор бўлиб, таъмагирлик қилаётган бўлса додингизни кимга айтасиз? Афсуски, орамизда нафси ўпқон ана шундай инсонлар учраб турибди.

дегандим, аксига олиб... — Исиминг нима? — ҳайдовчининг гапига ишонқирамай ўқтам кетмак савол бера бошлади. — Машинани қарга уриб олдинг? — Рустам, 400 метрлар нарида машина тойиб кетди. Йўл ёқасидаги дарахта уриб олдим. — Рустам?! Автосервисда ишлайсаними? — «Фиат»ни бошқариб келган Ботир тангандай бўлиб сўради. Ундан тасдиқ ишорасини олган, ўқтамга деди: — Бу йилгитни танийман. Юқоридаги автосервисда ишлайди. — Унда бизга уриб олган жойини кўрсатсанчи. Бошлиқнинг буйруғига биноан «Фиат»га учаласи ўтириб, айтилган

жойни излаб кетишди. Бироз юришганча, Рустамнинг ишораси билан машина тўқтатишди. Ҳақиқатан ҳам йўл ёқасидаги иккита дарактининг йўстолои шилинган, олдида машина излар кўза ташланарди. — Ичганимдиги? — ўқтамнинг гапи Рустамни саросимага солиб қўйди. Ҳали Рустамдан жавоб олмасдан ширғил Ботир Турдиевга бурюди: — Машинани салонини текшириб кўринг, биронта қон изи йўқмикан. Фурсат ўтмай Ботир бир қанча қозғоларни кўтариб келиб қолди. — Ҳа, нима бўлди? Қўлингиздаги нима? — Машинанинг ҳужжатлари. — Қани, кўрайлик-чи. ўқтам ҳужжатларни бирма-бир

кўриб, Рустамга қаради. — Машинани ўзингизки эмас эканлиги қани бунинг «доверности»? — Орқаси бироз урилган экан, менга ремонт қилдиришга берауди. — Ремонт қилдиришга берган бўлса, устaxonданга ремонт қил ади. Нимага қўчада миниб юрибсан? — Бўёғи яқши қимди. Шунга танишимниқига бўёқча бораётган эдим. Рустамнинг бу гапига ўқтам эътиборсиз қараб турди. Кейин ҳужжатларни олганича, «Фиат» томон юрди. — Машинани ремонт қилганингда кейин олдимга ўтарсан. Унгача булар менда туриб туради. Ботир, кетдик. Улар машинага ўтириб кетишди.

Рустам эса нима қиларини билмай жойида саррайиб қолди. Рустам икки кун ичида елиб-юғуриб, «Нексия»ни бир амаллаб тузатди. Энди унинг ҳужжатларини олиб келиш қолганди. Шу ниятда у Янгиобод шаҳар ИИБ биносига кириб борди. ўқтам Ризаев Рустамни ҳуш-ташимниқига беради. — «Нексия»нинг ҳужжатларига келгандим. Эгаси сўраётти, — деди Рустам. — Ўзи автосервисда нима ишқиласан? — Машинанинг кузовини ремонт қиламан. — «Нексия»нинг инжектори тоғилмайдими сенларда?

ЙЎЛИДА



ший асбоб-ускуналар, шахсий кийимлар, автомобиль ёки темир йўл транспортнинг эҳтиёт қисмлари орасига яшириб олиб келинмоқда. Мазкур жиноят турига қарши курашда боғнона идоралари ходимлари ҳам сусткашликка йўл қўйишмайдилар. Масалан, 2002 йил мобайнида контрабанда йўли билан кўрилган гиёҳхандлик моддаларининг 90 фоизи ИИБ ходимлари томонидан аниқланган бўлса, қолган 10 фоиз боғнона ходимлари зиммасига тўғри келади. Натижада республикамиз ҳудудига наркотик воситаларни олиб кираётган чет эл фуқароларини аниқлаш йўлидан йилга камайиб кетмоқда. 2001 йилда 417 нафар, 2002 йилда 203 нафар, 2003 йилнинг 6 ойида 74 нафар чет эл давлатлари фуқаролари республикамиз ҳудудига наркотик воситалари билан ноқонуний муомала-

Судланган 3313 та шахсдан 2238 таси озодликдан маҳрум қилиш, 406 таси ахлоқ тузатиш ишлари, 150 таси жарима, 333 таси шартли ва 21 таси қамқоқ жазосига ҳукми қилинган бўлса, шулардан судланган 424 аёлнинг 87 таси озодликдан маҳрум қилиш, 245 таси қамқоқ билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукми қилинганлар. Судланган 3 нафар вояга етмаганларни ҳаммаси шартли жазога ҳукми қилинган.

Тахлиллардан кўриниб турибдики, гиёҳхандлик билан боғлиқ жиноят ишларини судда кўрилишида судлар томонидан бу жиноятларни келтириб чиқараётган шарт-шароитларни аниқ-

TADDIR

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунийликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказининг Фаргона филиалида «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки — одил судловни амалга ошириш кафолатларидан бири» мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Наманган, Андижон, Фаргона вилоятлари прокуратураларининг бўлим бошлиқлари, шаҳарлар ва туманлар прокурорлари ва прокурорлар ёрдамчилари иштирок этди.

Анжумани марказ директори Э.Абзалов кириш сўзи билан очди. Фаргона вилоят прокурори У.Шамсиев судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки борасида диққатга сазовор иш тажрибаси ҳақида гапирди.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Конференцияда ўз чиқишлари билан иштирок этган бошқа маърузачилар ҳам судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки билан боғлиқ амалиётдаги муаммоларни ҳал этиш йўллари, айблов нуқти ҳақида назария ва амалиёт, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларини судда кўрилишида давлат айбловни

қувватлаш методикаси ҳамда суд тергов жараёнида далилларга баҳо беришда давлат айбловчининг роли каби мавзуларга тўхталиб ўтдилар; амалиётда қонунларнинг айрим бандлари бир-бирига зид келиб қолаятган ҳолатларга аниқлик киритиш юзасидан фикр-мулоҳазаларни баён этдилар.

Бундай анжуманларда ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар қонунларни такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклифларни тайёрлаш чоғида инобатта олиниши билан аҳамиятлидир.

М.ФОЗИЛОВ,
Фаргона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

MENING BIRINCHI ISHIM

Ўн ёшимда ота-онамдан айрилиб, ҳаётнинг ачиқ-чучугини татиб, атрофдаги қанчадан-қанча адолатсизликлар, камситишларни кўриб, ҳақиқат ва адолат учун кураш истагини юрагимга тугиб, Тошкентдаги икки йиллик юридик мактабга кириб ўқидим.

Иш фаолиятимни Сурхондарё вилоятининг Денов туманида прокурор ёрдамчиси лавозимида бошладим. 1950 йил август ойи эди. Ишни қабул қилиб олишим колхозларда пахта терими бошланишига тўғри келди. Сурхондарёда илгари ҳеч бўлмаганим сабабли, халқнинг турмуш шароити тўғрисида озгина бўлса-да тушунчага эга бўлиш учун уч кун давомида туман ички ишлар бўлимининг жиноят кидирув бўлими бошлиғи Хабибуллин ҳамроҳлигида яқин колхозларни от миниб айланиб чиқдим. У вақтлари прокуратурада бир отдан бошқа улов йўқ эди. Қишлоқлар ҳали ўзини ўнглаб олмаган, далаларда ёш жувонлар икки-уч боласини етаклаб пахта териб юрган, ахён-ахёнда бир-икки эркак кўринар, у ҳам ё бригадир, ё табелчи, саккиз букилиб пахта тараётган қариялар эди...

БЎЛГАН МУАММО

дан иборат жиноятлари учун жавобгарликка тортилганлар.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, бу тоифадаги жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан судлар томонидан жазо тайинлаш амалиётига тўғри ёндашилмай, айбдорларга нисбатан инсонпарварлик, адолатлик ва одиллик принципларига риоя қилинган.

2003 йилнинг 6 ойида судлар томонидан кўрилган 2678 та жиноят иши бўйича 3313 та шахс судланган бўлиб, улардан 424 нафарини аёллар ва 3 нафарини вояга етмаганлар ташкил қилган.

лаш, бу турдаги жиноятларни олдини олиш мақсадида ҳуқуқ-тарғибот ишлариغا етарли эътибор берилмаган, хусусий ақриллаб чиқариш, уларни жойларга чиқиб муҳокама қилиш судьялар эътиборидан четда қолган. Мазкур муаммони тубдан ўрганиб у билан барчамиз бир тан бир жон бўлиб курашмас эканмиз, аср вабоси жамиятимизда жиддий муаммоларни келтириб чиқараверади.

Бахтиёр ҲАҚНАЗАРОВ,
Раваш КАМОЛОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бошқарма прокурорлари

СОҒУҚ ҲУҚУҚШУЛАР

Ровия Рўзметова ҳамда унинг тоғаси Олимбой Отажонов гиёҳхандлик моддалари уларни истеъмол қиладиган шахслар учун нафақат захри қотил эканигини, балки шу билан бирга катта ижтимоий ҳавф тугдиришини билгани ҳолда жиноят содир этишиб, суднинг «ора курси»сига ўтиришди.

2002 йил 14 декабрь куни Р.Рўзметова Хоразм вилояти ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида тоғаси О.Отажонов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, гуруҳ сифатида тадбирга жалб қилинган ва назорат тартибидеги гиёҳхандлик моддасини сотиб олиш учун юборилган А.Рўзметова ҳамда В.Атажоновга целлофанга ўралган, 5 грамм микродоздаги героинни 320 минг сўмга ҳисоблаб, 100 АҚШ доллари ва 190 минг сўмга сотаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан қўлга олинган.

Шу муносабат билан Р.Рўзметованинг уйи кўздан кечирилганда, молхонада ерга қўйилган, целлофан қопчага ўралган 12,88 грамм героин топилган. Жиноятчиларнинг айби тергов ҳамда суд процессида тўпланган ва текширилган, инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан тўлиқ исботланди. «Пул дез, пул дез босарок кечган» бу кимсалар қилмишлари яраша жазога тортилдилар.

Абдумўмин РАҲМОНОВ,
бошқарма прокурори

— Менда йўқ эди. Танишлардан сўраб кўрарман.

— Ўзи қанча туради у?

— Анигини билмайман, лекин қиммат деб эшитганман, — Рустам шундай деб, ўзига қараб ўтирган Уктамга бир қараб олди. — «Нексия»га «иномарка» машиналарнинг инжектори ҳам кетади.

— Шунда ке. Чўнтагингда қанча пул бор ҳозир?

— А... 25 минглар бор.

— Унда бу пулга болаларингга сақин, курт, чўла-чўп олиб бер. Қанчон инжектор топганингда келарсан.

— Уктам ака, ундай қилмаган. «Нексия»ни ремонт қиламан деб, ҳамма пулим кетди қолди. Уйда ейишга номинимиз ҳам қолмаган. Бу ёқда машинанинг эгаси...

— Сенга нима дедим? Бор, чиқиб кет.

Бу гапдан кейин Рустам ноилоҳ чиқиб кетди. Орадан икки кун ўтиб йўлда Ботир Турдиевни уратиб қолди.

— Ботир ака, «Нексия»нинг ҳужжатларини олишда ёрдам беринг. Эгаси қўстаб қўймайпти. Машинани эгасига топшириб олайин, кейин рози қиламан.

— Уктам ака билан гаплашиб кўрайинчи, балки рози бўлар, — Ботир

шундай деб Уктамнинг олдига кириб кетди. Бироздан кейин чиқиб, Рустамга кириши мумкинлигини айтди.

— Ха, Рустам, инжектор топдингми? — сўради Уктам.

— Ҳозирча тополмадим. Кечгача топаман. Сиз ҳужжатларни қайтариб беринг. Рози қиламан.

— Кечгача улгурасанми? Ха, майли, ол ҳужжатларини.

— Кечгача топиб келаман.

— Майли, бор, бор. Рустам, ишонгангми яши биламана. Яна...

— Йўғ-е, кечгача топаман.

Уктамнинг олдиндан чиққан Рустам нима киларини билмай боши қотди. Айтган нарчасини олиб келиб бермас барибир тинч қўйишмайди. Ишонмасини ҳам яхши билишади. Рустам ўйлай-ўйлай охири вилоят прокуратурасига кириб борди. Рустамнинг гапларини эшитган прокуратура ходимлари унга 23 минг сўм пулни тўла-қилди. Бу пуллар эса Уктам Ризаевнинг чўнтагига киришга улгурмади. У пора олаётган пайтда қўлга олинди.

Суд ҳукми билан айбдорлар тегишли жазосини олишди. Хатто айрим ҳужжатлардан ҳам маҳрум этилди.

Жамшид СУБХОНҒУЛОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурори

АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Вилоятдан юборилган вакиллар қишлоқда уйма-уй юриб, азон паллада ёш болаларини ширин уйқудан уйғотиб, аёлларни пахта теришга сафарбар қилиш билан оввора.

Хуллас, қишлоқда аҳвол оғир. Маъжбурий меҳнат, ҳақсизлик... уларни кўриб ҳўрлиги келади кишининг.

Туманда жиноятчилик ҳаддан ошган, айниқса давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилиш, уларнинг мулкий ва шахсий манфаатларига зарар етказиш каби жиноий ҳаракатлар қўпчира жазосиз қолиб кетмоқда эди.

Ишчи нимадан бошланши билмай юрганамда, прокуратура терговчиси Милтиқбой Худойёров ўзини поезд остига ташлаб ҳалок бўлибди, деган ноҳуз хабар келди. Туман прокурори Амирхонов ишдан олинган, прокуратурада фақат бир ўзим қолган эдим. Зудлик билан Термизга телефон қўқиб, вилоят прокурори Камол Қўшаевга хабар қилдим, ёрдамга тергов бўлими бошчилиги ва бир-икки терговчи юборилишни сўрадим. Икки соатлар чамаси ўтар-ўтмас, тергов бўлими бошчилиги Х.Хидиров ва катта терговчи Б.Эргашев етиб келишди. Худойёров ишини Эргашев тергов қилиш учун қабул қилиб олди.

Менга эса Шаймардоновни Қудратга нисбатан кўзғатилиб, ҳаракатдан тўхтатилган жиноий ишни тергов қилиш топширилди. Ўша вақтларда давлат мулкига нисбатан қонунлар жуда қаттиқ бўлиб, қамомдага йўл қўйган савдо ходимлари, уни тўлаш имкони бўлса ҳам жавобгарликка тортилар эди.

Жиноий иш бўйича, Қ.Шаймардонов қамқоқдан кафиликка асосида қарқарилиб, яшаш жойи номаълум бўлган сабабли иш ҳаракатдан тўхтатилганлиги, аммо қидирув эълон қилинганлиги, унинг мол-мулкни рўйхатга олиш баённомасидаги «ҳеч нарса топилмади» деган ёзувлар анча шубҳаларга сабаб бўлди.

Тергов ҳаракатларини аввало, айбланувчини кафиликка олган райкомхоз мудири А.Паньонини қачириб, унга Қ. Шаймардоновни топиб келишни топширишдан бошладим. Унга уч кун муддат бердим ва ўзининг жавобгарлиги ҳақида оғоҳлантирдим. Орадан икки кун ўтиб, Қ. Шаймардонов прокуратурага келди.

Биринчи сўроқ давомида Қ. Шаймардонов, унинг устидан жиноят иши кўзғатилганлигини ва прокуратурада сўроқ берганлигини бутунлай инкор қилди ва ҳеч вақт қамқоқда бўлмаганлигини, у ишлаётган дўкондан қамомдад чикмаганлигини билдирди.

Тергов боши берк кўчага кириб қолди. Нимадан бошланши ва қандай тергов усулини қўллашни билмай қолдим. Чўнги жиноят ишини хали унча яхши ўрганмаган эдим. Тергов қилишга ўзини таъйин эмаслигим сезилиб қолди.

Сўбатни шу ерда тўхтатиб, кечирим сўрадим-да, «янглишмовчилик» бўлибди, деб унга жавоб бериб юбордим. Икки кеча-кундуз жиноят ишини такрор-так-

жатларнинг ҳаммасини олиб жиноий ишга тикдим. Рай-Подан бир бухгалтерни қачириб, колхоз дўконидан сотиб олинди, деб пул ўтказилган ҳужжатларда кўрсатилган товарлар қоп-қанор, материал ва бошқаларнинг мағзинга қаердан келиб тушганлигини аниқлаб беришни сўрадим. Текшириш натижасида фактурада кўрсатилган товарлар Қ.Шаймардоновнинг дўконига бўлмагани, фактура товарақлигини исботлаб ҳулоса олдим.

Шундан кейин айбланувчининг қочиб кетиш эҳтимолини ҳисобга олиб, қамқоққа олиш ҳақида қарор чиқардим. Шу кўннинг ўзидея Қ.Шаймардоновни ҳибсга олинди. Иш бўйича тўпланган материаллар, далиллар айбланувчини жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли эди. Жиноят ишида айбини эълон қилиш ҳақида қарор маъжуд бўлганидан, уни қайтадан, тўпланган қўшимча далилларга асосланиб тўздим.

Эндиги Қ.Шаймардонов мудирилик қилган дўкондан чиққан 27017 рубллик қамомдаги ёпиш мақсадида қилинган ҳаракатлар бўйича «Коммунизм» колхози раиси Султонов ва бош бухгалтер Ибрагимовларни жиноят бўйича сўроқ қилиш ва жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш керак эди.

Пахта йиғим-терими авж олган давр, сентябрь ойининг охирилари, прокуратурага бир одамни ҳам қачиршига рўхсат берилмади. Шу сабабдан Хайробод қишлоқ совети идорасига бориб, аввал, бош бухгалтер Иброҳимовни, сўнгра қамқоқ раиси Султоновни батафсил иш бўйича сўроқ қилиб, айб эълон қилиш даражасига олиб бориб қўйдим. Кечаси соат 12 ларда «Ҳазарбоб» совхозининг 4-бўлимида вақил бўлиб юрган вилоят прокурорининг ўринбосари Хусайновнинг ёнига келиб, иш материаллари билан уни таништирдим.

Шу вақтда ўрнатилган тартиб бўйича Султоновни жиноий жавобгарликка тортишга рўхсат сўраб, тайёрлаб қарорини унга кўрсатиб, имзо қўйишни сўрадим. Аммо Хусайнов колхоз раисини жавобгарликка тортишга фақат вилоят прокурори рўхсат беради, деб имзо қўймади. Эртасига азонда Термизга жўнадим. Вилоят прокуроридан Султоновни жавобгарликка тортиш учун рўхсат олиб, Деновга қайтдим. Шу кунга кечкурун яна колхозга бориб уларга айб эълон қилиб, аввал Ибрагимовни қамқоққа олиб, Султоновни тилхат орқали очқанда қолдириб, жиноят иши бўйича терговчи тамом қилдим. Суд тергов материаллари асосида айбдорларга тегишли жазо тайинлади.

Рустам МУҲАМЕДОВ,
прокуратура фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, 3-даржаги давлат адлия маспахатчиси, юридик фанлари номзоди

рор ўқиб, қайтадан тергов режасини тўздим. Тергов тактикасини ўзгартириш керак эди. Биринчи навбатда туман матлубот кооперациясидан Қ.Шаймардоновнинг шахсий ишини ва ревизия материалларини талаб қилиб олдим. Жиноят ишидаги материалларга Қ.Шаймардоновнинг охириги берган ҳисоботида «Коммунизм» колхозига 27017 рубллик ҳар хил қишлоқ ҳўжалик материаллари, пахта териш учун фартуқ тайёрлашга бўз материал ва ҳоказолар берганлиги ҳақидаги фактура ва шунга асосан колхоз томонидан Қ.Шаймардонов мудирилик қилган дўкондан олинган товарлар учун деб, 27017 рубль пул ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни кўздан кечиришни режалаштирдим.

Натияжа кутганимдан ҳам аъло чқиди. Колхоз бухгалтерисидан колхоз фермасига бир неча бош сизир бузоғи билан, қўй-эчки, бир бош ҳўкёз ва ҳоказолар жами 27017 рубль баҳолини кириб қилинган. Бу ҳўж-

P.S. Ушбу янги руқн муаллифи ҳуқуқшунос Самиков ОМОННЎЗОВ. Барча ҳуқуқшунос муштарилорини ушбу мавзудаги мақолалари ва ҳикоялари билан газетамизда иштирок этишларини илтимос қиламан.

«НУҚУҚ» ИЙ
Маслаҳатхона

E-mail: Info@huquq.uz 133-82-34, 133-98-82

Шу тоифадаги одам

1. Мен афгон уруши қатнашчиси. Газ ва электр энергиясидан фойдаланишимда компенсация тўланадими?

2. 1960 йилдан 2001 йилнинг июнига қадар Жарқўрғон тумани мактабларида ўқитувчи, директор, директор ўринбосари вазифаларида ишлаб, 1998 йил нафақага чиқдим. Ундан кейин ҳам ўқитувчи бўлиб ишлаб юрганимда маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайланди. 2003 йилнинг апрель ойига қадар газ, электр энергияси учун имтиёздан фойдаландим. Лекин шу даврдан бошлаб имтиёздан маҳрум бўлдим. Мен бу имтиёزلардан фойдаланишга ҳақлиманми?

Иргаш АЛЛАМУРОВОВ,
Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон шаҳри

Афгон уруши қатнашчилари Республика Президентининг 2003 йил 27 мартдаги «1 апрелдан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар бўйича бериладиган имтиёزلар ўрнига компенсация пул тўловлари жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида белгиланган шахслар тоифасига кирганлиги боис уларга энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорда компенсация тўланади.

Иккинчи саволингиз бўйича эса, агар сиз айна пайтда нафақада бўлиб, нафақага чиққунга қадар педагогик ва илмий-педагогик стажингиз камида 10 йилни ташкил этса, унда юқорида тилга олинган фармонга мувофиқ сизга компенсация пули тўланиши керак.

Қочиб кутилмаган эр

1996 йилнинг март ойида турмушга чиқиб, 1997 йил фарзандли бўлдим. Шундан сўнг қайнотам бизга уй олиб берди. Лекин 1999 йилнинг май ойларига келиб соғлигим ёмонлашгани туфайли турмуш ўртоғим мени ота-онамникига кетказиб юборди. Уша пайдан буён биз бирга яшаймиз. Аммо никоҳимиз бекор қилинмасдан туриб, у бошқа аёлга уйланиб, Қозғистонга кўчиб кетди. Унинг ота-онаси эса шу ерда яшаяпти.

Мен турмушга чиққанымда ота-онамнинг уйда рўйхатда турган эдим. Турмуш ўртоғим билан бир маҳаллада яшаганимиз боис турмушга чиққанымдан кейин ҳам ўз уйимдаги рўйхатда қолган эдим. Энг қизиғи, турмуш ўртоғим билан бирга яшаган уйдан ҳам фойдаланмадим ва алимент ҳам олмадим. Шунинг учун мен бу борада қандай имтиёзга эгаман ва бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Лазоқат СОҒИНДИКОВА,
Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани

Агар қайнотангиз томонидан берилган уй ҳада ёки шу каби бошқа кўринишдаги шаклда сизларга эгалик қилиш учун берилган бўлса, Оила кодексининг 23-моддаси талабига мувофиқ, бу мулк эр-хотиндан қайси бирининг номига расмийлаштирилган бўлишидан қатъи назар, у эр-хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади. Ундан фойдаланиш, бўлиш ёки бошқача тарзда фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш учун судга мурожаат этишга ҳақлисиз.

Айна пайтда турмуш ўртоғингиз чет давлатда бўлса ҳам бу ҳолат уни алимент тўлашдан озод этмайди. Сабаби, Ўзбекистон Оила кодекси ва 1994 йилнинг 9 сентябрида Хамдўстлик мамлакатлари ўртасида имзоланган «Болалик оилаларга ижтимоий нафақалар, компенсация (товон) тўловлари ва алиментлар тўлаш соҳасидаги фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақида»ги битимга мувофиқ, алиментни ундириш мумкин. Шунинг учун сиз қўрқмасдан судга мурожаат этсангиз бўлади.

Меросхўрларни четлаб

Мен турмуш ўртоғим билан йшарма олти йил умр кўрдим. Аммо бу инсон ҳаётимдаги иккинчи турмушим бўлганили учун унинг фарзандлари мени унча ҳурматламади. У 1999 йил оғир касалликка чалиниб, ётиб қолди ва вафот этгунга қадар тўрт йил давомида азобланди. Бу азобларни бир томондан касаллиги берса, иккинчи томондан фарзандлари берар эди. Чунки ана шу давр ичда фарзандларидан илқ гап ўрнича, дашинон эшитарди. Бунинг асосий сабаби мен эдим. Уларнинг гапи бўйича мен уларнинг отасига унинг мол-мулки учун турмушга чиққан эдимман. Агар мақсадим унинг мол-мулкини эгаллаш бўлганида буни алақадон амалга оширган бўлар эдим. Лекин мен бу ишни қила олмайдим. Турмуш ўртоғим ҳам фарзандларининг унга қилган муносабатини эътиборга олиб вафотидан олдин уйини менга васият қилиб кетди. Лекин эрмининг фарзандлари бу васиятнома ноқонуний, чунки отанинг мол-мулки фарзандларга мерос бўлиб ўтиши керак, деб туриб олашган. Менинг эса бошқа борадиган жойим йўқ. Мен нима қилсам бўлади?

Нафиса РОЗИКОВА,
Тошкент шаҳри

Агар васиятнома қонунда белгиланган тартибда тузилган бўлиб, васият қилувчининг мутлақ хоҳиш иродаси ифода этилган бўлса, гарчи бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда ҳам уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақил эмас. Чунки Фуқаролик кодексининг 1120-моддаси талабига кўра, васият қилувчи унинг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Бунда васият қилувчининг изох бериши талаб қилинмайди.

Менинг розилигимсиз

Дадам вафотидан олдин бизга мерос мулки бўйича ҳеч қандай ҳужжат қолдириб кетмади. Дадамдан қолган уйда ойим билан яшайман. Барча ҳўжалик ишларини ўзим бажараман, лекин шунга қарамай бу уйда рўйхатда турмайман. Шундай бўлса-да, ойим менинг розилигимсиз уйни ўз номига расмийлаштириб олиши мумкинми?

Нотариус уй қимга қолдирилгани ва ким меросхўр эканлиги тўғрисидаги ҳужжатларни кўрмасдан, менинг иштирокимсиз уни онамнинг номига расмийлаштириши мумкинми?

Уйга эгалик ҳақидаги ҳужжат бўлмай туриб, меросхўрлик ҳақидаги маълумотнома асосида уйни бошқа шахсга қолдириши мумкинми? Меросхўрлик ҳақидаги ҳужжатлар фақат давлат нотариуси томонидан тасдиқланиши шартми?

Бу ҳужжатларни қишлоқ фуқаролар йиғини ёки маҳалла оқсоқоли тасдиқлаш ҳуқуқига эгами?

Б.РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 251-уй

Фуқаролик кодексиди белгиланган тартибга кўра, мерос мулки васият қилинмаган бўлса, уни меросхўрларга ўтиши қонун бўйича амалга оширилади. Уй-жойни расмийлаштириш масаласи ҳам мерос мулки меросхўрлар ўртасида тақсимлангандан сўнг ҳал этилади.

Қонун бўйича мерос мулкини олишда мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворис бўлиб ҳисобланади. Бунда мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар. Лекин бунинг учун дастлаб мерос очилганини тўғрисида нотариал органга хабар берилган, нотариус турар жойи ва иш жойи маълум бўлган меросхўрларни хабардор қилади. Агар меросхўрлар ичда турган жойи номаълум шахслар бўлса, қолган меросхўрлар ва нотариус уларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни ворисликка чакориш юзасидан зарур чораларни кўриши шарт. Агар меросхўр мерос очилгани тўғрисида хабар олган пайдан эътиборан уч ой ичда қолган меросхўрларни мулкни тақсимлаш ҳақидаги келишувда иштирок этиш истаги тўғрисида хабар бермаса (шу жумладан, меросхўрлардан бирининг турар жойини мерос очилган пайдан бошлаб бир йил мобайнида аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечганини тўғрисида маълумотлар бўлма-са), унда қолган меросхўрлар ҳозир бўлмаган меросхўрга тегишли бўлган улушни ажратиб, ўзаро келишувга кўра мерос тақсимотини амалга оширишга ҳақли бўлади.

Шундан сўнг мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрларнинг ёзма аризасига кўра уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради. Бу гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига кўра алоҳида-алоҳида берилиши мумкин.

Мерос мулкини ана шу тартиб асосида қабул қилиб олган шахс ўз хоҳиши билан унга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишга ҳақли.

Мерос мулкига бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш фақат нотариал идора томонидан амалга оширилиши мумкин. Қишлоқ (шаҳар) ва овуллар фуқаролар йиғинлари расилари эса мерос мулки билан боғлиқ масалаларда фақат васиятномани тасдиқлаш ва мерос мол-мулкнинг кўриқ-ланишига доир чора-тадбирларни кўришга ҳақлидир.

«Ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомилдор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш беворчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганилик устидан судга шикоят қилиниши мумкин».

(Меҳнат кодексининг 224-моддаси)

Мажбуриятни эслаб...

Биздан бир уй нарида бир бева аёл яшайди. У ҳозир 67 ёшда ва унинг бир нафар фарзанди бор эди. 1987 йилгача уларнинг оиласи жуда аҳил ва ҳар томонлама таъминланган эди. Бирок, шу йил унинг турмуш ўртоғи вафот этиб, бошига ташвиш тушди. Узи ёлми едирган, яхши ниятлар билан ўқитиб воёга етказган якка-ю ёлғиз фарзанди онаси қариб, соғлигини йўқотиб қўйган пайтда ҳолдан хабар олмай қўйди. Унинг иши юришиб, Тошкентга кўчиб кетди. Аёлнинг олаётган пенсияси қолмаган хизматлардан ортиб, тирикчилигига ҳам етмайди. Бу ҳолатда нима қилса бўлади?

Ш.КУВОНДИҚОВ,
Фарғона шаҳри

Оила кодексининг талабига кўра, воёга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлган ота-онасига таъминот бериши ва ғамхўрлик қилишлари шарт. Ушбу қонуний мажбурият ота-она давлат ва нодавлат муассасасининг қарамоғида бўлганлигидан қатъи назар сақланади. Шу боис ўз ихтиёри билан онасига ғамхўрлик қилиш ва таъминот бериш истагини билдирмаган фарзандни қонуний тартибда суд орқали мажбурлаш лозим. Бунинг учун таъминот бермаётган фарзанднинг онаси шу ҳақдаги ариза билан судга мурожаат қилиши керак.

Тирикчилик мақсадига

Тўрт нафар фарзандим бор. Ҳаммаси мактабда ўқийди. Ўзим ноабзал фабрикасида тикувчи бўлиб ишлайман. Ҳар йили фарзандларимни ўйлаб меҳнат таъминлиги ёки оиларидан олишга ҳаракат қиламан. Чунки бу даврда болаларни лагерларга жўнатиб, ёки маҳсулотлардан қишга ёши, иччи учун у бу нарса ташарраф олиш мумкин. Лекин меҳнат таъминлиги бир ой мuddат билан олсам ҳам ҳамма ишларини бажаришга уқурмайман. Шунинг учун аёлларга меҳнат таъминлиги узайтириши ёки қўшимча вақт олиб беришда бирон бир имтиёз борми?

Лазоқат РАЙИМОВА,
Фарғона шаҳри

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч йил кундан кам бўлмаган мuddат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. (МКнинг 232-моддаси). Шунингдек, шу тоифага кирувчи аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган мuddат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш беворчи билан келишиб белгиланган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёки қисқаларга бўлиб) фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, МКнинг 229-моддасида белгиланишича, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлнинг илтимосига кўра, иш беворчи тўлиқсиз иш кўни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаши мумкин.

СИРЛИ ОЛАМ

СИРЛИ ХОДИСАЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ

Яқинда Яманда даҳшатли фожиялардан бири фожия эди. «Аридия» газетасида эълон қилинган кичик мақолада тоғлар этагидаги ўрмонда ёввойи ўсимликларни кузатиш мақсадида экспедиция уюштирган америкалик икки нафар табиатшунос ваҳшиларча ўлдирилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур воқеадан уч ой олдин Яман газеталарида туманларнинг бирда ҳеч бир сабабсиз чавақлаб ташланган йигирмадан ортқ одамнинг жасади топилгани хусусида ёзилганди. Сирли жиноятларга ёш журналист Иброҳим Ҳасан шифокор Басма Азининг хусусий касалхонасида раҳ хасталиги бўйича даволанган бемор Увайд Минорнинг кундалигидан сатрлар келтириб, ойдинлик китриди. У ўз мақоласида ушбу тиббиёт масканида одамни йирткич махлуққа айлантирувчи махфий тадқиқотлар олиб борилаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

Журналист мақола катта шов-шувларга сабаб бўлади, полиция хусусий шифохона билан шугулланади, деб уйлаган эди. Аммо, унинг ёзганларини ҳеч ким жиддий қабул қилмади. Полиция газета шухрат қозониш учун афсунгарлар ҳақидаги қадимги ривоятлардан фойдаланган, деган қарорга келди.

Бирок, орадан икки ҳафта ўтган, Иброҳим Ҳасан беморлар устидан хавфли тажрибалар ўтказётган шифокор Басма Азиз касалхонаси ҳақида қўшимча маълумотларни эълон қилди. Журналист касалхонага келган айрим мижозлар оламдан ўтмасида, ақл-қушларидан батамом айрилишлари, оқибатда, ҳар қандай қонли жиноятлар содир этишдан қайтмайди, деган бўри-қотилларга айлантирилганини баён қилади.

Бу гал Иброҳимнинг гайриоддий материалга уч дена фотосурат ҳам илова қилинган эди. Биринчисида, озгин киши кароватда китоб ўқиб ўтиради. Иккинчисида, у бўйинга бўйинбоғ ва кўлларига кишан солинган ҳолда ижригани турарди. Учинчисида эса, одамсимон бир мавжудотнинг тўрт оёқлаб туриб ириллаётгани тасвирланган эди.

Ёш журналистнинг навбатдаги мақолиси базилларда келтирилган далилларга шубҳа уйғотган бўлса-да, кенг жамоатчиликни ларзага солди. Иброҳимнинг кўлига бундай ноёб материаллар қай тарзда тушиб қолганини гапириб бериш учун уни телевидениега тақлиф қилишди. Бирок, томошабинларнинг умиди пучга чиқди. Уни кўрсатувга келадиган кун эрталаб томоғидан ғажиб ўлдирилган ҳолатда топишди. Мурда атрофига да бўри ёки итнинг излари йўқ эди.

ДОКТОР БАСМА КАСАЛХОНАСИНИНГ СИРИ

Полиция қийин аҳволга тушиб қолди. Аввалига криминалистердан бирортаси Иброҳим Ҳасаннинг ёзганларига ишонмаган эди. Уни кўпчилик машҳур шифокор ҳақида бўлмағур гаплар тўқиб, сохта обрўга эришмоқчи бўлган ёзувчи деб ҳисоблаганди. Тўғри, унинг отаси концлагерларда гайриinsonий тажрибалар олиб борган сойқ нацист, деган мишмишлар юрарди. Аммо полиция узоқ ўтмишда рўй берган, боз устига сиёсатга тегишли бу нозик масалани четлаб ўтмиша қарор қилди.

Полицияга доктор Басманинг хусусий шифохонаси наркомания раҳнамолирининг маблагга ҳисобига фаолият юритаётгани маълум эди. Лекин ортиқча қурбонлар бермаслик мақсадида, улар билан сан-манга бормаслиқни лозим топишди. Шу боис, жамоатчиликни тинчлантириш учун газеталарда шифокор кўтқариб қол-

ган икки беморнинг миннатдорчилик мактублари эълон қилинди. Телевидение орқали Иброҳимнинг шахсий котиби интервью бериб, унинг мақолалари сафсата эканлиги, суратлар компьютер орқали монтаж қилинганини таъкидлади. Журналистнинг сирли ўлими эса, оддий бахтсизлик эмиш. У тунда уйига маст ҳолда қайтаётганда йиқилиб, боши билан қиррали тошга урилган ва оқ, дайди итлар танасини ғажиб ташлаган, деган тахминлар айтилди. Жасадда итларнинг изи йўқлигини эса унуттишга ҳаракат қилишди.

Жамоатчилик бироз тинчланди. Агар айнан уша шаҳарчада яшаётган одамларни даҳшатга солган яна бир воқеа содир бўлмаганда журналистни батамом унутиб юборишлари мумкин эди.

Оқшом чоғида истироҳат боғида сайр қилиб юрган йигит ва қизга махлуқсимон мавжудот ҳужум қилиб, йигитни ўлдирди, қизга жароҳат етказди. Полиция яраланган ва қаттиқ кўрқувга тушган қиздан нима галлигини сўраганда, у катта бўрига ўхшаш, аммо одам каби икки оёқли махлуқ ўқиб, уларга ташланганини сўзлаб беради.

Шундан сўнг, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари суриштирув

кўнгилдагидек кечди, бирок, бироз вақт ўтган, бўғила бошладим, кейин эса, қандайдир жонивор — калта хартумли сут эмизувчи ёки чумолихўрга айланиб, қаерларгадир чапаетганимни ҳис қилдим...

...Орадан тўрт кун ўтган, уша кўзқоринлар билан сийлашни бас қилишди. Энди қандайдир уқоллар қилишарди. Танамдаги оғриқ чекинади, аммо, белгиланган миқдорда дори олмасам, оғриқ яна пайдо бўлади. Менга гйехвандлик моддаси беришаётганини сезиб турибман. Аммо шифокор унинг хасталиқни даволаш учун керакли бўлган препарат эканлигини айтди...

... Бугун шифокор менда кутилаётган янги туйғулар ҳақида узоқ гапирди. Улардан асло кўрмаслигим керак экан. Кунларнинг бирида улизергин кислотасидан тайёрланган препарат билан ишлаётганда тасодифан унинг бир томчисини ичиб юборганини ва шу заҳоти бўрига айланиб қолганини менга ҳикоя қилиб берди. Ҳар ҳолда унга шундай туюлган. Яхшиямки, ҳамкасблари телбаллик бошланди, деб уйлаб уни бирорта руҳий шифохонага жўнатиб юбормаганлар. Орадан 12 соат вақт ўтган, ҳаммаси ортда қолади. Ҳозир ёш ва тетик сеза бошлайди. У

Пана-пасткам жойларда одамларга ҳужум қилаётган, ҳатто, қотиллик содир этган инсон кйёфасидаги махлуқлар ҳақида гап борганда кўпчилик ишонмаслиги табиий. Лекин улар янглишишди, чунки жоду таъсирида кйёфасини ўзгартирадиган одамлар ҳозирда ҳам мавжуд экан...



ЁХУД БЎРИГА АЙЛАНГАН ОДАМЛАР

ишларига жиддий киришдилар. Улар аввало, Увайд Минорнинг ён дафтариини излай бошлашди. Чунки Иброҳим Ҳасан мақолаларида ундан айрим жойларни келтириб ўтганди. Жиноятни фож этишда ёзувлар тўлалигига топилса жуда асқотарди. Аммо, у тахририятда ҳам, журналистнинг хонадонида ҳам йўқ эди. Терговчилар Иброҳимнинг ён дафтаридаги қизил фломастер билан айлана ичига олинган телефон рақамига эътибор беришди. У роҳиб Самирга тегишли рақам эди. Полиция зудлик билан унинг уйига йўл олди, энг ачинарлиси, роҳиб ҳам уйининг остонасида томоғи ғажиб ташланган ҳолда ўлиб ётарди.

Уйни синчиклаб кўздан кечирган полиция марҳум журналистнинг ён дафтариини топишга муваффақ бўлди. У аввал чиройли хусниҳатда ёзилган, бора-бора ёзувлар чаплашиб, ўқиб бўлмайдиган даражага келиб қолганди.

«Касалхонага келганимга уч ҳафта бўлди, — деб ёзганда бемор. — Шифокор Басма раҳ хасталиги билан оргиганим, тўзалиб кетимишга даярли умид йўқлиги, агар у ўтказётган тадқиқотга розилик берсам, имконият пайдо бўлишини айтди. Розилик беришдан бошқа чорам йўқ эди. Мени дарҳол бошқа хонага ўтказишди. У кўпроқ шифохона палатасига эмас, анригоқ, дезазаларсиз чирок ўрнатилган бункерни эслатарди. Бу ерда телевизор, радио, китоб, газета деган нарсалар йўқ эди. Басманинг сўзларига қараганда, менинг хаёлимни чалғитмаслик ва асабини тинчлантириш учун атайлаб шундай қилинган экан.

...Учинчи кун, Басма берилган таомларнинг турларини ўзгартирди. У янги дори-дармонлар қўллангандан олдин, танани глютозалар ва В, С дармондориларида халос этишини айтди. Тўш-ликка хиди ва таъми бўлмаган кичик қора нимталар келтирилди. Басманинг айтишича, бу Мексикадан келтирилган муқаддас кўзиқоринлар эмиш. Мен уларни истеъмол қилиб, ўзимни қандай ҳис қилганимни сўзлаб беришим лозим эди. Аввалига ҳаммаси

гапини тугатиб, «Сен ҳам бўри бўлиши истайсанми?» — деб мендан сўради. Мен эса нима деб жавоб қайтаришни билмас эдим.

...Оқшомда яна катта дозада укол қилишди. Ҳозирнинг кучли ва шерорак сеза бошладим, ўткир тишлар ва тирноқлар ўсиб чиқди, бутун баданимни жун қоплади. Ойга қараганча увиллаб, қаёққадир югураман, шу вақт олдинда одам шарпаси кўринди. Бу аёл киши экан, у негадир қичқира бошлади. Мен унга ташлиниб, тишларимни томоғига ботирдим ва иссиқ қондан мириқиб симиридим...

...Кўзимни очиб, ўзимни жуда хоргин сездим. Кароватдан турмоқчи эдим, бўйнимда пўлат бўйинбоғ осилиб турганлигини кўрдим... Нахотки тушимда кўрган деб ўйлаганим, ўнгимда содир бўлган бўлса?.. Бир неча соатдан сўнг, шифокор Басма келди. У бўйинбоғни ечиб олди ва ҳар бир одамнинг теграсида махлуқ яшайи, организм янгилашни учун уни чикариб юбориш лозимлигини айтиб, мени тинчлантирди.

— Асринг ўрталарида, — деди у, — бутун Европа бўйлаб «Линкатропия» хасталиги тарқалди. У шундай касалликки, одамлар афсун билан бошқа тусга киришади. — Ахир бу касалликни бизга Оллоҳ эмас, иблис раво кўраётти-ку, — эътироз билдирдим мен.

— Бўри бўлиб қолиш гуноҳми? — кулиб деди Басма. — Сен рақ касаллигига учраганинг, энди эса тананг яна куч-қувватга тўлганини унутдингми? Ҳозир истаган томонингга боришинг мумкин, шундай эмасми?

...Мени шифокорнинг очқачсига сўзлаши кўрқувга солапти. Унга батамом тоъбеман ва мендан қай мақсадда фойдаланишини билмайман. Кеча у яна етти нафар мижоз тадқиқотларда ишторк этаётганини айтиб қолди. Шифокор уларнинг ҳаётини янгилаш тарзда узайтирганмиш...

...Инсонга ҳос ақлий тафаккур мени тобора тарқ этиб бормокда. Шу боис кундалиқни ҳам катта қийинчилик билан ёзишимга тўғри келяпти. Тан оламан, бўри бўлиш ёқимли. Шифокор бўрига айланган пайтимдаги жараён акс эт-

тирилган суратларни совға қилди. Улар даҳшатнинг ўзи. Рўҳиятимни бу кўргуликдан халос этиш учун суратларни бир иложини қилиб роҳиб Самирга етказишим керак... Уч кундан сўнг, яна ой чиққан пайтда овга жўнатишди. Ҳар гал озод этишларидан олдин қаергадир олиб боришаётгандек туюлди. Чунки ҳид ёрдамда изимга қайтаётганимда Басма нотаниш уй олдига кутиб олади».

СИРЛИ ЕРТЎЛА

Шу тариха Увайд Минорнинг кундалигидаги ёзувлар тугайди. Уни синчиклаб ўқиб чиққан полиция ходимлари кейинги ойларида рўй берган фавқуллода ҳодисалар маълумотномасига қайта кўз ташладилар. Шунда табиатшунослар ва томоғидан ғажиб ташланган йигирмага яқин шахс шифокор Басма вақти-вақти билан касалхонадан қаергадир олиб бориб, овга чиқариб юборётган жабрдийдалар эканлиги ойдinлашди. Теъза унинг махфий лабораториясини фож этиш ва хавфли тадқиқотчини ашавий далил билан қўлга олиш зарур эди.

Аммо миш-мишлар тарқалиб кетишимдан эҳтиёт бўлиш керак. Зеро шифокор полициячиларда Увайд Минорнинг кундалиги борлигини билиб қолса, дарҳол исбот-далилларни йўқ қилишга уринар, оқибатда унинг қилмишларини исботлаш мушкуллашарди. Шу боис, кутилаётган операция жуда махфий равишда ишлаб чиқилди.

Эҳтиёткорликларга қарамай, кимдир Басмани оғохлантириб қўйди. Қўлга олиш гуруҳи хусусий шифохонадаги соқчиларни қуролсизлантириб, ичкарига бостириб кирганда, иблисга кўл берган тадқиқотчи қаергадир гойиб бўлганди. Шифокор ва санитарлар унинг кечадан бери кўринганини айтишди. Улар касалхона остиди сирли ертўла борлигини яхши билишар, бирок, у ерга бирор кишининг кириши қатъиян ман қилинган эди. Шу боис, тиббиёт ходимлари ертўлада Басманинг нима билан машғул бўлганини билмасликларини айтишди.

Ертўланинг улкан темир эшиги

зич беркитилганлиги сабабли, уни портлатиб очишга тўри келди. Тинтувга келган детективлар бу ерда даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Узун, тор йўлакнинг иккинчи томонида саккизта кичик хибсхона жойлашган бўлиб, деворлари овоз ўтказмайдиган материал билан қопланган эди. Уларнинг устида бўйиндан занжирга боғланган одамга ўхшаш мавжудотлар ётарди. Олдиларидаги товоқчаларда эса, эски гўшт бўлақлари кўзга ташланарди. Бўйинбоғлар, деворга қоқилган қозиқлар ва тунука товоқлар бошқа катталарда ҳам яқинидагина кимлардир яшаганидан далоят бериб турарди.

Йўлакнинг охирида жойлашган лабораториядан героин топилди. Лаборатория ёнидаги хонада эса, гайриоддий «маҳсулот» сақланарди. Басма жабрдийдаларни дармондориларга бой ўсимликлар билан озикланмаслиги учун уларни одам гўшти билан боқарди. Улкан музхонада жойлашган жасадлар унинг тажрибаларига бардош бера олмаган аввалиги мижозлариники эди.

Полициячиларнинг таширидан сўнг, хусусий шифохона беркитилди. Аммо, Басма устидан очик суд жараёни бўлиб ўтмади. Чунки у дом-дараксиз кетганди. Бундан ташқари, унинг одамлар устидан ўтказган гайриқонуний тажрибасини фож этивчи исбот-далиллар топилмади. Детективлар ертўладан топган уч нафар одамсимон мавжудот эртасигаёқ жон берди. Боз устига, уларнинг ўлимидан 3-4 соат вақт ўтган, жасадлари ил-вираган моддага айланиб қолди. Басма жуфтасини ростлашдан аввал, уларга тўқималарни зарарловчи қандайдир заҳарли модда ичиргани кўриниб турарди.

Полиция бир неча ой давомида қидирув ишларини олиб борди. Айримлар унинг ўзи бўрига айланиб, ўрмонда яшириниб юрибди, деган фикрни ҳам айтишди. Бирок орадан 10 кун ўтган, истироҳот боғидан унинг чавақланган жасадини топдилар. Доктор Басма ҳақиқий бўрига дуч келган эди...

Мухлиса МУҲИТДИНОВА тайёрлади

BAYRAM INTERV'YUSI

Санъат бор экан ҳамиша меҳр-оқибат, муҳаббат, садоқат ва инсоний туйғулар тараннум этилади. Сўхбатдошимиз ёш ва иқтидорли санъаткор, «Ниҳол-2003» мукофотининг совриндори Исроил Саидумарова бизни қизиқтирган саволлар билан муурожаат қилдик.

— Ҳар бир санъаткорнинг ўз муҳлислари бўлиши табиий. Исроил ака, муҳлисларингиз учун ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот берсангиз.

— Санъатга қизиқишим болалигимдан бошланган. Турли қўшиқларни жиргойи қилиб юрардим. 6 ёшимда Шермат Ерматовнинг «Бул-булча» болалар ҳур дастаси гуруҳига қатнай бошлаганман. Йилдан йилга санъатга бўлган қизиқишим ортиб борди. Тошкент Давлат Санъат институтига ўқишга кириб, 1998 йилда муваффақиятли тамомладим.

1999 йилдан бошлаб ушбу даргоҳнинг ўқитувчиси ҳамда Мудофаа вазирлиги «Қуролли кучлар ашула ва рақс дастаси»нинг хонандасиман.

Ҳар бир санъаткор ўз юртини мадҳ этишдек масъулиятли ишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Юрт ҳимоячиси формасида халқимизнинг тинчлиги, осойишталигини қўйлаш мен учун олий шараф. Шунинг учун «Қуролли кучлар ашула ва рақс дастаси»да ижод қилиб, юртимизни мадҳ этувчи қўшиқларни қўйлаб келмокдаман.

— Айрим ёш санъаткорлар «Ниҳол» мукофоти қандай тартибда берилар экан, деган саволини беришди. Ушбу мукофот соҳиби сифатида бу саволга қандай жавоб берасиз?

— «Ниҳол» ёш санъаткорларни рағбатлантириш мақсадида Президентимиз томонидан бериладиган масъулиятли ҳамда шарафли мукофот саналди.

Етти йиллик меҳнатим тўғрисида ёш санъаткорларнинг «Ниҳол-2003» кўрик-танловида иштирок этдим ва мукофот соҳиби бўлдим. Бу мукофот менга янада юксак масъулият юклайди. Ахир бу халқнинг менга бўлган ишончи-қу. Ишончини суиестъемол қилган инсон ҳеч қачон халқ орасида ҳурмат топмайди.

Ёшлар санъатдан мукофот кутиб ижод қилиши, улардан ҳеч қачон асл санъаткор чиқмайди.

— Сизни кўпчилик «Райҳон», «Деразалар қарама-қарши», «Санъат тинчлик тимсоли» ва

«Мастоналарга» каби қўшиқларингиз орқали яхши билишди. Шу ўринда устозларингиз, ижодингиздаги янгиликлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Инсон дунёга келар экан, дастлаб ота-онаси, кейинчалик устозлари, қолаверса, ўзининг ҳаётдаги тажрибаси ва меҳнати билан камол топиб боради. Ҳар бир кишига ўз касбининг мутахассиси бўлиб

САНЪАТ — МЕҲР ТИМСОЛИ

етишишида, айниқса устозларининг хизмати ва ёрдами беқиёсдир. Менга санъатнинг ўзига хос сирларини ўргатиб, ўз меҳнатларини аямасдан мусиқа олами билан таништираётганлардан Эмилия Пяттигорская, Шерзод Пирматов, Рамзиддин Қодиров, Ҳадя Юсупова, Жўра Ортиқов, Насрулло Қобул ва эстрада йўналишида Ҳабибулло Шамсиев устозлик қилиб келмокда.

Ижоддаги янгиликлардан гапирсам, қўшиқларим Мансур Абдулло, Мурод Раҳмон, Ҳайдар Тураев, Матлуба Сафарова каби шоирларнинг шеърларига басталанган. Бугунги кунда ўзим ижро этган қўшиқларнинг 3 та аудио альбоми ва 2003 йилда чиққан «VCD» альбомим бор. Утган йили «Туркистон» саройида берган яққалон концертимда 18 та ашулани жонли ижро этдим.

Иккинчи мутахассислигим ҳам санъат доирасида, яъни бастакорлик бўлгани учун бугунги кунда Аваз Олимов, Ирода Искандарова, Баҳодир Тулаганов ва қатор дўстла

римизга қўшиқ басталайман. Мен санъат доирасидан четга чиқмайман, бу соҳани мукамал ўрганиб, унинг етук мутахассиси бўлмоқчиман.

Қўшиқларимга шеър танлашдан олдин уларнинг маъносига эътибор бераман. Танлаган ҳар бир шеърда меҳр-муҳаббат, садоқат ва вафо каби инсоний туйғулар гўзал бадиий тарзда акс этган бўлиши керак. Санъат ҳамиша меҳр билан камол топади. Кўзингиз олдига боғни келтиринг, бу боғни чаманга айлантириб, обод бўлиши учун унга парвариш ва эътибор керак бўлганда, санъатга ҳам меҳр шу қадар керак бўлади. Меҳр бор экан, демек санъат бор. Ўзим қуйлаган «Санъат тинчлик тимсоли» қўшиғимда санъат ва меҳр, тинчлик ва эзулиқнинг боғ-

вий эстрада қўшиғи бўлсин меъёрига етказиб айтишимиз шарт. Ачинарлиси шундаки, кўпчилик концерт дастурлари сингари деярли 90 фоиз хонандалар минидискъни, фонограммдан тўла-тўки сойдаланишмоқда. Истагим, ҳар бир хонандонда туй-ҳашамларда ва байрамона тadbирларда санъаткорларни жонли мусиқа ҳамда жонли ижро



лиқлигини қўшиқ орқали ифода этганман. Назаримда инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг мустақам бўлишида қўшиқларнинг аҳамиети катта. Хонандаларимиз томонидан айтиладиган қўшиқларни турли касб эгалари тинглайди. Ҳар ким ўз кўнглига ёққан ва ўзидagi руҳий кечинмаларига мос қўшиқларни эшитишди. Қўшиқ тинглаш ҳам санъат, шунингдек, маданий ҳордиқ ҳисобланиб, инсоннинг маълум бир руҳий ҳолатида асабларига осудалик келтирилади. Меҳр ва маҳорат билан айрилган қўшиқлар албатта, дилга етиб боради ва ўз мухлисини топиши муқаррар.

— Ёш санъаткорларнинг тўйларда хизмат қилиши уларнинг ижодига қандай таъсир қилади деб ўйлангиз?

— Тўй ҳам кичик саҳна ҳисобланади. Аммо саҳнадан мурақаб жойи бор, саҳнада санъаткор ўз дастури бўйича қўшиқ қўйлайди. Тўй-ҳашамларда эса ҳар бир меҳмон мезбонларнинг кўнглини олиш учун ва талаб, илтимосларига биноан ҳоҳ у миллий қўшиқ бўлсин, ҳоҳ замона-

садолари остида қўриш.

Инсон пул топиш, обрў-эътибор топиш ёки танилиш учун эмас, балки юрагидаги дардини қўйлаш учун ва ўз ишидан руҳан ором олиш учунгина санъаткор бу соҳани танлаши керак. Афсуски, ҳозир шундай ёшлар борки, ё санъат улардан йироқ ёки улар санъатдан йироқ. Улар балки адашиб, балки билиб туриб шу соҳага кириб қолишмоқда.

Эскиларда вақт олий ҳакам, деган нақл бор. Орадан оз вақт ўтмасдан кеча юлдузлики даъво қилаётган ёшлар шам мисоли сўниб, йўқ бўлиб кетишмоқда. Ёшларнинг ўртамиёна санъаткор бўлганидан қўра, яхши қурувчи бўлиш ёки бошқа касбларнинг етук мутахассиси бўлиб, юртимиз ва халқимизга фойдаси тегадиган инсон бўлиб етишишларини хоҳлардим. Чунки биз ёшлар юртимиз келажаги ҳисобланамиз.

— Талак ва истақларингиз...

— Санъатимиз ривожланиб, халқаро миқёсда обрўси баланд бўлсин дейман. 2004 йил «Меҳр ва

мурувват» йили деб аталди. Меҳр-мурувват инсонлар ўртасидаги энг олий ва буюк неъмат ҳисобланади. Айниқса, ўзбек халқи ўртасидаги меҳр-мурувват ҳар қандай бойлиқдан устунроқдир. Меҳр дейилганда, кўпчиликнинг кўз олдига оналар, опа-сингиллар, вафодор ёр гавдаланиши табиий. Оналарга меҳр бўлгани, деб таъриф берилади, шу боисдан бизнинг қўшиқларимизда севиқли ёр ва она маззулари кенг ўрин олган.

Ниятим, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, муҳаббат, эзулиқ ва яхшилик, садоқат ва вафодорлик йўқолмасин. Бундай аjoyиб, тенгсиз инсоний фазилатларни биз санъаткорлар доимо қўшиқларимизда тараннум этайлик. Хонандларимизда ҳамиша қўшиқлар садоси янграсин, тўю-томашлар бўлсин. Яқинлашиб келаётган баҳорий айёмлар билан барчангизни табриқлайман!

— Самимий сўхбатингиз учун ташаккур!

Гули ҲОҶИБОЕВА сўхбатлашди

TABASSUM

— Яхши қиз, сизга Мерлин Монрога ўхшашингизни биров айтганими? Қиз хурсанд бўлиб: — Йўқ.

— Тўппа-тўғри. Чунки сиз Армен Джигарханянинг ўзингизсиз. — Менга турмушга чиқиб келишимизни таклиф қилишди. — Табриқлайман. Ким? — Ойим билан дадам.

Эр-хотин жанжаллашмоқда. Хотин: — Сен доим бир нима ичиб юрасан. Бир қарасам пиво, бир қарасам арок, мени эса ҳатто эсламайсан ҳам. Бўлди, ҳаммаси жонимга теғди. Битгасини танла. Эр ўйланиб қолибди.

Хотин эса: — Нимага жим бўлиб қолдинг. Бир нима десангичи? — Мен қайси бирини танлашни билмай қолдим. Пивоними ёки арок-ни?

БАҲОР НАШИДАСИ

Баҳорда безанар гулзорлар, боғлар, Гўзал кўринади пурвиқор тоғлар, Қалбларда шик ўти ёнар бу чоғлар — Шу қадар сеvimли туюлар ҳаёт!

Уйғонар табиат — бутун тирик жон, Яшил либос кияр жумлаи жаҳон, Ажиб ҳислар туяр ўзида инсон. Шу қадар сеvimли туюлар ҳаёт!

Борлиқда неки бор — уйғонмоқ истар, Дилларни муҳаббат ўти иситар, Ҳар ажиб сония сев, дея қистар — Шу қадар сеvimли туюлар ҳаёт!

Юракда жўш уриб кўпиради қон, Нурлар, гуллар билан яшнар ҳар томон, Гул сайлига чиқар бутун оломон — Шу қадар сеvimли туюлар ҳаёт!

Ҳар бир жон яшариш ишқини туяр, Орзулар нурида армонлар қуяр,

Ҳаммада ҳар турли ишлар кўпяр — Шу қадар сеvimли туюлар ҳаёт!

Балоғат ёшдаги йигитлар, қизлар ўзига муносиб содиқ ёр излар. Эх, баҳор!.. Жуда ҳам аjoyиб кезлар... Шу қадар сеvimли туюлар ҳаёт!

Кимдир ишқдан масрур, севгидан мастдир, Кимдадир бу туйғу оддий ҳавасдир, Ўзини алдаган инсон эмасдир, Шу қадар сеvimли туюлар ҳаёт!

Тошқин майдонларнинг нафаси ўзга, Ҳофизлар хониши, куй — саси ўзга. Ўзбек тупроғининг сафоси ўзга — Шу қадар сеvimли туюлар ҳаёт!

Абдуваҳоб ҲОҶИБОЕВ, Молия институти фалсафа кафедраси доценти

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Тошкент вилояти прокуратураси жамоаси Зағиота тумани прокурори Одил Матхалиқовга хаёси Абубакир МАТХОЛИҚОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва факрийларни иқтисомий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура факрийси

Тожимурод ХОЛМУРОДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдирди.



«НУҚУҚ» yuridik gazeta

Bosh muharrir: ABDUXOLIQ ABDURAZZOQOV

TAHIRIY HAY'ATI: Bahriddin VALIYEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egaloriga qaytarilmaydi. Myaliflarning fikrlari tahririyat fikridan farglanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «НУҚУҚ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

MANZIL: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66. TEL.: 133-82-34, 133-64-72. FAX: 133-64-85. E-mail: Info@nuquq.uz

Gazeta tahririyyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «НУҚУҚ» original maketi.

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonamiz: Toshkent shahar, Buyuk Turok ko'chasi, 41.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda

Navbatchi muharrir: Y.PARDA

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 20.30

Buyurtma Г-470 21912 nusxada chop etildi

Navbatchi: F.MAMASHARIPOV

1234578